

“Тасдиқланган”
Таъсисчилар умумий
йиғилишининг
№ 1-сонли баённомаси
2019 йил «09» Январь

M. D. Ibratov
Abbasov

«MINERVA WORLD OF KNOWLEDGE»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ

УСТАВИ

Тошкент- 2019 й.

1. Умумий қоидалар

- 1.1. "MINERVA WORLD OF KNOWLEDGE" масъулияти чекланган жамияти (қуйида матнда «ЖАМИЯТ») Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунчилигига мувофиқ таъсис этилган.
- 1.2. Жамиятнинг тўлиқ фирмавий номи:
 - Ўзбек тилида: "MINERVA WORLD OF KNOWLEDGE" Mas'uliyati cheklangan jamiyati;
 - Рус тилида: Общество с ограниченной ответственностью "MINERVA WORLD OF KNOWLEDGE";
 - Инглиз тилида: "MINERVA WORLD OF KNOWLEDGE" Limited Liability Company.
- 1.3. Жамиятнинг қисқартирилган номи:
 - Ўзбек тилида: "MINERVA WORLD OF KNOWLEDGE" MChJ;
 - Рус тилида: ООО "MINERVA WORLD OF KNOWLEDGE";
 - Инглиз тилида: "MINERVA WORLD OF KNOWLEDGE" Ltd.Co.
- 1.4. Жамиятнинг манзили ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Меҳржон кўчаси, 8-уй.
- 1.5. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

2. Жамият Иштирокчиларининг таркиби. Устав фондининг миқдори.

- 2.1. Иштирокчилар Жамиятнинг Устав фондини 8 500 000,00 (саккиз миллион беш юз минг) сўм миқдориди белгилайдилар.
- 2.2. Жамиятнинг Иштирокчилари қуйидагилардир:
 - **Ҳиндистон Республикаси фуқароси JALAN MURARI LAL**, № Z-4904255, Дубайдаги Ҳиндистон элчихонаси бўлими томонидан 28.05.2018 йилда берилган, вақтинчалик яшаш манзили: Тошкент шаҳри, Тулиной кўчаси.4А уй.
 - **Ҳиндистон Республикаси фуқароси GARG AKASH**, № Z4370421, Дели паспорт бўлими томонидан 19.07.2017 йилда берилган, вақтинчалик яшаш манзили: Тошкент шаҳри Hyatt меҳмонхонаси, Навоий кўчаси 1 А уй.
- 2.3. Устав фонди Иштирокчиларнинг қуйидаги улушларидан иборат:

№	Иштирокчи	Улушнинг номинал қиймати (сум)	Улуш миқдори (%)
1.	JALAN MURARI LAL	4 250 000,00	50,00
2.	GARG AKASH	4 250 000,00	50,00

- 2.4. Иштирокчилар Жамиятнинг Устав фондига қуйидаги улушларни киритиш мажбуриятини зиммасига оладилар:

- **JALAN MURARI LAL:**
4 250 000,00 (тўрт миллион икки юз эллик минг) сўм миқдориди пул маблағлари;
 - **GARG AKASH:**
4 250 000,00 (тўрт миллион икки юз эллик минг) сўм миқдориди пул маблағлари;
- 2.5. Жамиятнинг Иштирокчиси улушининг ҳақиқий қиймати жамият соф активларининг унинг улушининг миқдорига мутаносиб қисмига мос келади.
 - 2.6. Агар иккинчи ва ҳар бир кейинги молия йили тугаганидан кейин жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан кам бўлиб қолса, жамият ўзининг устав фондини камайтириши шарт.
 - 2.7. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида унинг устав фонди тўлиқ тўланмаган тақдирда, жамият ўзининг устав фондини амалда тўланган миқдоргача камайтиришини эълон қилиши ва унинг камайтирилганлигини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши ёки жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.
 - 2.8. Агар иккинчи ва ҳар бир кейинги молия йили тугаганидан кейин жамият соф активларининг қиймати жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши санасидаги ҳолатга кўра қонунчиликда белгиланган ойлик иш ҳақининг минимал миқдорининг қирқ бараваридан кам бўлиб қолса, жамият тугатилиши керак.
 - 2.9. Иштирокчи эга бўлган овозларнинг сони унга тегишли бўлган улушнинг миқдорига мутаносиб бўлади. Жамиятга қарашли улушлар жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида овоз бериш натижаларини аниқлашда, шунингдек жамият тугатилган тақдирда унинг фойдаси ва мол-мулки тақсимланаётганда ҳисобга олинмайди.

3. Фаолиятининг предмети ва мақсадлари

- 3.1. Жамият тузилишининг асосий мақсади фойда олишдир.
- 3.2. Жамият фаолиятининг предмети қуйидагилар ҳисобланади:
– Олий таълим.
- 3.3. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга оширишга ҳақлидир.
- 3.4. Лицензияланиши лозим бўлган барча фаолият турлари белгиланган тартибда лицензияланади.
- 3.5. Агар маълум бир фаолият тури билан шуғулланиш учун махсус рухсат (лицензия) тақдим этилишининг шартларида бундай фаолият билан мутлақ фаолияти сифатида шуғулланиш кўзда тутилган бўлса, Жамият махсус рухсат (лицензия) амал қилишининг муддати давомида учун махсус рухсатда (лицензияда) кўзда тутилган фаолият турлари ва уларга ёндош турларидан ташқари бошқа фаолият турларини амалга оширишга ҳақли эмас.

4. Жамиятнинг юридик мақоми.

- 4.1. Жамият белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади, банк муассасаларидаги ҳисоб ва бошқа ҳисобварақларига, думалоқ муҳри ва тамғасига эга бўлади, белгиланган намунадаги бланкаларга, хизмат кўрсатиш белгилари, товар белгиси ва бошқа таниб олиш воситаларига эга бўлади.

- 4.2. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан олди-сотди ва бошқа шартномаларини тузиши, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятларга эга бўлиши, хўжалик ва учламчи судларида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.
- 4.3. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.
- 4.4. Жамият ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.
- 4.5. Жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.
- 4.6. Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.
- 4.7. Жамиятнинг банкротлиги иштирокчи сифатидаги шахснинг айби туфайли вужудга келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.
- 4.8. Ўзбекистон Республикаси жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.
- 4.9. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга, шўъба фирмалари, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир қонунчиликда белгиланган тартибда ваколатхоналар ва филиаллар очишга ҳақлидир.
- 4.10. Ваколатхоналар ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди ва Жамиятнинг номидан фаолият юритади. Жамиятнинг ваколатхоналари ва филиаллари Жамиятнинг мулки ҳисобидан асосий ва айланма воситаларга эгалик қилади ва Жамият тасдиқлаган низомлар асосида фаолият юритади. Филиалларнинг (ваколатхоналарнинг) мулки уларнинг алоҳида балансида ва жамиятнинг балансида ҳисобга олинади. Ваколатхоналар ва филиалларнинг раҳбарлари Жамият Иштирокчиларининг Умумий Йиғилиши томонидан тайинланади ва берилган ишончномалар асосида фаолият юритади. Ваколатхоналар ва филиалларнинг раҳбарларига ишончномаларни Жамиятнинг номидан Жамиятнинг яқка тартибдаги ижроия органи беради. Жамият ўз ваколатхоналари ва филиалларининг фаолияти учун жавобгар ҳисобланади.
- 4.11. Шўъба жамиятлари юридик шахслар ҳисобланади ва Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

5. Жамиятнинг мулки. Фондлар.

- 5.1. Жамият қуйидагиларнинг эгаси ҳисобланади:
 - Унга Жамиятнинг иштирокчилари томонидан Таъсис Шартномасига мувофиқ Жамиятнинг Устав фондига киритилган ҳисса сифатида берилган маблағлар;
 - Бошқа жисмоний ва юридик шахслар томонидан хайрия асосикелиб тушган маблағлар;
 - Жамиятнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижасида яратиладиган, қўлга киритилган мулки;
 - Жамият томонидан қонунчиликда йўл қўйиладиган асосларга кўра олинган бошқа мулклар.

- 5.2. Жамиятнинг Иштирокчилари Жамиятнинг мулки таркибига кирувчи айрим объектларга, шу жумладан Иштирокчилар томонидан Устав фондига киритилган ҳисса сифатида берилган объектларга алоҳида ҳуқуқларга эга бўлмайди.
- 5.3. Жамият бошқа фондларни ҳосил қилишга ҳақлидир, уларга ажратмалар Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиши томонидан белгиланган миқдорда ва тартибда амалга оширилади.

6. Фойдани тақсимлаш ва зарарларни қоплаш.

- 6.1. Жамият фаолиятининг якуний натижаси Жамиятнинг бюджет ва кредиторлар олдидаги мажбуриятларини бажариш, бошқа фондларига ажратмалардан кейин қолган соф фойдаси ҳисобланади.
- 6.2. Фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
- 6.3. Жамият йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта ўзининг соф фойдасини Жамиятнинг иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.
- 6.4. Соф фойда Иштирокчилар ўртасида уларнинг Устав фондидаги улушларига мутаносиб тақсимланади:
 - **JALAN MURARI LAL** – соф фойдадан 50,00%;
 - **GARG AKASH** – соф фойдадан 50,00%;
- 6.5. Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиши қуйидаги ҳолларда Жамиятнинг фойдасини Жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:
 - Жамиятнинг бутун Устав фонди тўлиқ тўлангунга қадар;
 - Қонунчиликда ва Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг иштирокчиси улушининг (улуши бир қисмининг) ҳақиқий қиймати тўлангунга қадар;
 - агар бундай қарорни қабул қилиш пайтида Жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Жамиятда шундай қарор қабул қилиниши натижасида пайдо бўлса;
 - агар шундай қарорни қабул қилиш пайтида Жамият соф активларининг қиймати унинг Устав фондидан ва захира фондидан кам бўлса ёки шундай қарор қабул қилиниши натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса;
 - қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.
- 6.6. Жамият Жамиятнинг иштирокчилари ўртасида тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилинган қуйидаги ҳолларда Жамият иштирокчиларига фойдани тўлашга ҳақли эмас:
 - агар тўлаш пайтида Жамият қонунга мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Жамиятда тўлов натижасида пайдо бўлса;
 - агар тўлаш пайтида Жамиятнинг соф активлари қиймати унинг Устав фондидан кам бўлса ёки тўлаш натижасида унинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса;
 - қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.Ушбу кўрсатилган ҳолатлар тугаганидан кейин Жамият Жамиятнинг иштирокчилари ўртасида тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилинган фойдани Жамиятнинг иштирокчиларига тўлаши шарт.

- 6.7. Жамиятнинг фаолияти давомида юзага келган зарарлар Жамиятнинг бошқа мулки ҳисобидан қопланади. Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиши юзага келган зарарларни Иштирокчиларнинг қўшимча мақсадли ҳиссалари ҳисобига қоплаш тўғрисида қарор қилиши мумкин.

7. Жамиятнинг Иштирокчилари

- 7.1. Мазкур Уставнинг 2.2-бандида кўрсатилган Жамиятнинг Иштирокчилари билан бирга, унинг таркибига бошқа иштирокчилар ҳам қабул қилиниши мумкин. Янги Иштирокчини қабул қилиш Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилишида амалга оширилади. Янги Иштирокчини қабул қилиш масаласи Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилишида кўриб чиқилади ва бир овоздан ҳал этилади.
- 7.2. Жамиятнинг Иштирокчиси қуйидагиларга ҳақли:
- Амалдаги қонунчилик ва мазкур уставда белгиланган тартибда жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;
 - жамиятнинг фаолиятига оид барча масалалар тўғрисида ахборот ва маълумотлар олиш;
 - Жамиятнинг фаолиятдан олинган фойданинг Устав фондидаги ўз улушига мутаносиб қисмини олиш;
 - Жамиятнинг Устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини ушбу Уставда назарда тутилган тартибда мазкур Жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш;
 - Жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқиш;
 - Жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.
- 7.3. Иштирокчи қуйидагиларга мажбур:
- Жамиятнинг Таъсис Шартномасида белгилаб ўтилган тартибда, муддатларда ва миқдорда Жамиятнинг Устав фондига ҳисса киритиш;
 - Жамиятнинг Иштирокчиларига ўзининг Жамият таркибидан чиқиш нияти тўғрисида кечи билан 30 кун аввал хабарнома юбориш;
 - Жамиятнинг фаолиятига зарар етказиши мумкин бўлган ҳаракатлардан ўзини тийиш;
 - жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмаслик;
 - Мазкур Устав ва Жамиятнинг Таъсис шартномасининг қоидаларига риоя қилиш.

8. Жамиятни бошқариш органлари

- 8.1. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади. Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилишининг ваколатлари ва қарор қабул қилиш тартиби мазкур Устав билан белгиланади.
- 8.2. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш Жамиятнинг Директори томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг Директори Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига ҳисобдордир ва унинг қарорларининг ижро этилишини ташкил қилади. Жамиятнинг Директори мазкур уставга

мувофиқ Жамиятни бошқаришни амалга оширади

9. Жамият Иштирокчиларининг Умумий Йиғилиши

- 9.1. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади.
- 9.2. Жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши йилига камида бир марта ўтказилади. жамият фаолиятининг йиллик натижалари тасдиқланадиган жамият иштирокчиларининг навбатдаги умумий йиғилишини ўтказиш муддати молия йили тугаганидан кейин кечи билан олти ой ичида ўтказилиши керак.
- 9.3. Йиллик умумий йиғилишдан ташқари ўтказиладиган Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади. Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши зарур ҳолларда чақирилади.
- 9.4. Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиши ўз таркибида Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилишининг Раиси ва Котибини сайлайди, улар Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиши баённомасини имзолаш ҳуқуқига эга бўлади.
- 9.5. Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиши ваколатларига Жамиятнинг фаолиятига оид бўлган барча масалаларни ҳал этиш киради.
- 9.6. Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:
 - 9.6.1. жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - 9.6.2. Жамиятга янги иштирокчини қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - 9.6.3. Жамиятнинг Устав фондининг миқдорини ўзгартириш;
 - 9.6.4. таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, таъсис ҳужжатларини янги таҳрирда тасдиқлаш;
 - 9.6.5. Иштирокчилар томонидан Жамиятнинг Устав фондига киритиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пуллик баҳосини тасдиқлаш;
 - 9.6.6. Жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - 9.6.7. Йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;
 - 9.6.8. Жамиятнинг соф фойдасини жамият иштирокчилари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - 9.6.9. Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
 - 9.6.10. аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
 - 9.6.11. бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - 9.6.12. Жамиятнинг фондларини тузиш, уларнинг миқдори, барпо этиш ва ишлатиш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - 9.6.13. юзага келган зарарларни Иштирокчиларнинг қўшимча мақсадли ҳиссалари ҳисобидан қоплаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - 9.6.14. жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - 9.6.15. тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- 9.6.16. Жамият томонидан қуйидагилар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай битимларнинг амалга оширилиши тўғрисида қарор қабул қилиш:
- Жамиятнинг кўчмас мулки (бегоналаштириш, олиш, эгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш ҳуқуқларини бериш, хўжалик юритувига бериш ва кўчмас мулк юзасидан бошқа битимлар);
 - Автотранспорт воситалари (бегоналаштириш ва олиш);
 - Ақлий фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларни тасарруф этиш;
 - Кўчмас мулкнинг қурилиши, реконструкцияси;
 - Жамият томонидан битимнинг тузилиши санасига Марказий банкнинг курси бўйича 25 000 (йигирма беш минг) АҚШ долларига тенг ва ундан ортиқ бўлган қийматдаги кредитлар олиш, қарзларни бериш (олиш), Жамиятнинг мулкни узоқ муддатли ижарага, ишончли бошқарувга бериш, Жамиятнинг мулкни гаровга бериш;
 - Жамиятнинг учинчи шахслар учун кафил бўлиши.
- 9.6.17. Жамият томонидан Жамиятга тегишли бўлган улушлар/акциялар юзасидан ушбу улушлар/акцияларга мажбуриятлар юкланишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган битимларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек Жамиятнинг бошқа ташкилотларда иштирок этиш миқдорининг ўзгаришига олиб келиши мумкин бўлган бошқа қарорларни қабул қилиш (улушларни/акцияларни сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланиш тўғрисида, акцияларга обуна бўлишда иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва ҳоказо);
- 9.6.18. битимларнинг тузилиши тўғрисида қарор қабул қилиш:
- йирик битим;
 - тузилишидан манфаатдорлик бўлган битим;
- 9.6.19. шуъба (тобе) жамиятнинг юзасидан қарорларни қабул қилиш, агар улар учун шуъба (тобе) жамиятнинг уставига мувофиқ шуъба (тобе) жамиятнинг Иштирокчилари (акциядорлари) Умумий Йиғилишининг қарори (маъқуллаши) талаб этиладиган бўлса.
- 9.7. Жамиятнинг Иштирокчилари Умумий Йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар унинг томонидан Жамиятнинг ижоро этувчи органи ҳал этиши учун берилиши мумкин эмас.
- 9.8. Иштирокчилар уларнинг Устав фондидаги улушига мутаносиб бўлган овозлар сонига бўлади. Қарор қабул қилиш тартиби:
- 9.8.1. Умумий йиғилиш томонидан қуйидаги масалалар бўйича қарорлар бир овоздан қабул қилинади:
- «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳал қилиниши қатъий тартибда барча иштирокчиларнинг овозини талаб қилувчи бошқа масалалар.
- 9.8.2. Умумий йиғилиш томонидан қуйидаги масалалар бўйича қарор учдан икки қисмининг кўпчилик овози билан қабул қилинади:
- «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳал қилиниши қатъий тартибда барча иштирокчиларнинг учдан икки қисми овозини талаб қилувчи бошқа масалалар.
- 9.8.3. Қолган барча масалалар жамият иштирокчилари овозларининг умумий сонидан оддий кўпчилик овози билан ҳал қилинади.

- 9.9. Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиши ва уларда қабул қилинган қарорлар баённомалар билан расмийлаштирилади, улар Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилишининг Раиси ва Котиби томонидан имзоланади.

10. Жамиятнинг Директори

- 10.1. Жамиятнинг Директори Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилишининг қарорларига мувофиқ Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилишни амалга оширади.
- 10.2. Жамиятнинг Директори Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиши томонидан бир йил муддатга тайинланади.
- 10.3. Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилишининг қарорига кўра Жамиятнинг Директори эгаллаган лавозимидан озод этилиши мумкин.
- 10.4. Директор ўз фаолиятида амалдаги қонунчиликнинг талабларига амал қилиши, мазкур Уставнинг талабларига, Жамиятнинг бошқарув органи томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари, шунингдек Жамият томонидан тузилган шартномалар ва битимларга таяниши лозим.
- 10.5. Директор жамият манфаатларини кўзлаб ҳалол ва оқилона ҳаракат қилиши керак. Иштирокчиларнинг (Иштирокчининг) талабига кўра у ўзи Жамиятга етказган зарарларни қоплаб бериши лозим, агар қонунчиликдан ёки шартномадан бошқача келиб чиқмаса.
- 10.6. Директор Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади ва қонунчилик, мазкур устав ва директор билан тузилган шартнома билан яқка тартибдаги ижро этувчи органининг ваколатига киритилган барча масалаларни ҳал қилади, Жамиятнинг Иштирокчилари Умумий Йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.
- 10.7. Директор, ўзининг мазкур уставда белгиланган ваколатлари доирасида, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ:
- Жамиятнинг номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади;
 - Жамиятнинг номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради;
 - Жамиятнинг ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллайди;
 - Жамиятнинг Иштирокчилари Умумий Йиғилиши томонидан кўриб чиқиш учун зарур материаллар ва таклифларни тайёрлашни амалга оширади, Жамиятнинг Иштирокчилари Умумий Йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлайди;
 - Жамиятнинг фаолияти режаларининг бажарилишини таъминлайди;
 - Жамиятнинг Иштирокчилари Умумий Йиғилишининг қарорлари бажарилишини таъминлайди;
 - Жамиятнинг мақсадларига эришиш учун зарур бўлган бошқа барча ҳаракатларни амалга оширади, Уставга мувофиқ Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиши учун мустаҳкамланган ҳаракатлар бундан мустасно.

11. Жамиятнинг устав фондидаги улушининг (улуши бир қисмининг) бошқа шахсларга ўтишининг тартиби

- 11.1. Жамиятнинг иштирокчиси Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини Жамиятнинг бошқа иштирокчиларнинг розилигисиз Жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотишга ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишга ҳақлидир.
- 11.2. Жамият иштирокчиси ўз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсларга сотиши Жамиятнинг иштирокчиси ўз улушини (улушининг бир

- қисмини) учинчи шахсга таклиф қилган шартлари асосида Жамият иштирокчиларининг имтиёзли ҳуқуқига риоя қилган ҳолда йўл қўйилади.
- 11.3. Ўз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга сотиш ниятида бўлган Жамият иштирокчиси улуши сотиладиган баҳони ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда жамиятнинг қолган иштирокчиларини ва жамиятнинг ўзини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Хабарномалар Жамиятнинг иштирокчиларига жамият орқали юборилади.
 - 11.4. Жамият томонидан Жамиятнинг иштирокчиси ўз улушини (улушининг бир қисмини) сотиш нияти тўғрисидаги хабарнома олинганидан кейин Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамиятнинг барча иштирокчиларига бундай нияти тўғрисида хабарномани тегишли хабарнома олинган пайтидан бошлаб 2 (икки) кун ичида юбориши шарт.
 - 11.5. Жамият иштирокчилари сотиш учун таклиф қилинаётган бутун улушни (улушнинг бутун қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан, шундай хабарнома берилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида фойдаланмаган тақдирда, ёки бу муддатдан илгари Жамиятнинг иштирокчиларидан уларнинг улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи амалга оширилиши юзасидан ёзма раддиялар олинган бўлса, улуш (улушнинг бир қисми) Жамиятга ва унинг иштирокчиларига хабар қилинган баҳоларда ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.
 - 11.6. Улуш (улушнинг бир қисми) сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи бузилган ҳолда сотилган тақдирда, Жамиятнинг исталган иштирокчиси, у бундай бузилишни билган ёхуд уни билиши лозим бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида сотувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир.
 - 11.7. Мазкур имтиёзли ҳуқуқдан бошқанинг фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.
 - 11.8. Жамият иштирокчисининг улушини (улушининг бир қисмини) сотишдан бошқача тарзда учинчи шахслар фойдасига воз кечиш учун бошқа иштирокчиларининг аввалдан розилиги билан йўл қўйилади.
 - 11.9. Ўз улушини (улушининг бир қисмини) сотишдан бошқача тарзда учинчи шахслар фойдасига воз кечиш ниятида бўлган Жамият иштирокчиси бу ҳақда жамиятнинг қолган иштирокчиларини ва жамиятнинг ўзини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Хабарномалар Жамиятнинг иштирокчиларига жамият орқали юборилади.
 - 11.10. Жамият томонидан Жамиятнинг иштирокчиси ўз улушидан (улушининг бир қисмидан) воз кечиш нияти тўғрисидаги хабарнома олинганидан кейин Жамиятнинг ижро этувчи органи Жамиятнинг барча иштирокчиларига бундай нияти тўғрисида хабарномани тегишли хабарнома олинган пайтидан бошлаб 2 (икки) кун ичида юбориши шарт.
 - 11.11. Агар жамият иштирокчиларига мурожаат этилган пайтдан бошлаб ўттиз кун мобайнида жамиятнинг барча иштирокчиларидан розилик олинган бўлса ёки жамият иштирокчиларининг бирортасидан розилик беришга ёзма раддия олинган бўлмаса, жамият иштирокчиларнинг улушни учинчи шахс фойдасига воз кечишга розилиги олинган деб ҳисобланади.
 - 11.12. Жамиятнинг бошқа иштирокчилари иштирокчининг улушидан (улушининг бир қисмидан) воз кечишини рад этса, Жамият иштирокчисининг талабига биноан Жамият унга қарашли улушни (улушнинг бир қисмини) олишга мажбур. Бунда Жамият ўзининг иштирокчисига бу улушнинг (улуш бир қисмининг) Жамиятнинг иштирокчиси шундай талаб билан мурожаат этган кундан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланадиган ҳақиқий қийматини

- тўлаши ёки Жамият иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.
- 11.13. Жамиятнинг устав фондидаги улушлар жисмоний шахсларнинг меросхўрларига ва жамиятнинг иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига фақат Жамиятнинг қолган иштирокчиларининг розилиги билан ўтади.
- 11.14. Жамиятнинг иштирокчиси бўлган юридик шахс тугатилган тақдирда, унинг кредиторлари билан ҳисоб-китоб тугалланганидан сўнг қолган унга қарашли улуш, тугатилаётган юридик шахснинг иштирокчилари ўртасида фақат Жамиятнинг қолган иштирокчиларининг розилиги билан тақсимланади.
- 11.15. Ушбу Уставнинг 11.13. бандида назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг иштирокчилари улушнинг ўтиши ёки тақсимланишига розилик беришни рад этсалар, улуш жамиятга ўтади. Бунда жамият вафот этган жамият иштирокчисининг меросхўрларига, жамият иштирокчиси бўлган ва қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисларига ёки жамият иштирокчиси бўлган тугатилган юридик шахснинг иштирокчиларига тегишинча вафот қилиш, қайта ташкил этилиш ёки тугатилиш кунидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланадиган улушнинг ҳақиқий қийматини тўлаши ёхуд уларнинг розилиги билан уларга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.
- 11.16. Жамиятга қарашли улушлар жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида овоз бериш натижаларини аниқлаш, шунингдек Жамият тугатилган тақдирда унинг фойдаси ва мол-мулки тақсимланаётганда ҳисобга олинмайди.
- 11.17. Жамиятга қарашли улуш у жамиятга ўтган кундан эътиборан бир йил ичида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан жамиятнинг барча иштирокчилари ўртасида уларнинг жамият устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланиши ёхуд жамиятнинг барча ёки айрим иштирокчиларига сотилиши ҳамда тўлиқ тўланиши керак. Улушнинг тақсимланмаган ёки сотилмаган қисмининг ҳақи Жамиятнинг Устав фондини тегишлича камайтирган ҳолда тўланиши керак. Улушни жамият иштирокчиларининг улушлари миқдорлари ўзгарадиган тарзда жамият иштирокчиларига сотиш, улушни учинчи шахсларга сотиш, шунингдек улушни сотиш билан боғлиқ ўзгартишларни жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритиш жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинган қарори асосида амалга оширилади.
- 11.18. Жамиятнинг иштирокчиси жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўзига тегишли улушни (улушнинг бир қисмини) жамият барча иштирокчиларининг бир овоздан қабул қилинган жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан гаровга қўйишга ҳақлидир. Ўз улушини (улушининг бир қисмини) гаровга қўйиш ниятида бўлган жамият иштирокчисининг овозлари овоз бериш натижаларини аниқлашда ҳисобга олинмайди.

12. Жамият Иштирокчисининг Жамиятдан чиқиб кетиши

- 12.1. Жамиятнинг Иштирокчиси исталган пайтда Жамиятнинг бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар Жамиятдан чиқиб кетишга ҳақлидир.
- 12.2. Жамиятдан чиқиб кетган Жамият иштирокчисининг улуши Жамиятга ўтади. Унинг улуши (улушининг бир қисми) Жамиятнинг иштирокчиси жамиятдан

- чиқиб кетиши тўғрисида билдирган пайтидан бошлаб Жамиятга ўтади.
- 12.3. Иштирокчининг Жамиятнинг таркибидан чиқиб кетишида Жамият унга улушининг чиқиб кетиш санасидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши ёки Жамиятдан чиқиб кетган иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.
 - 12.4. Улуш (улушнинг бир қисми) жамиятга ўтган пайтдан эътиборан бир йил ичида, жамият улушнинг (улуш бир қисмининг) ҳақиқий қийматини тўлаши ёки худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.
 - 12.5. Улушнинг (улуш бир қисмининг) ҳақиқий қиймати жамият соф активларининг қиймати билан унинг устав фонди миқдори ўртасидаги фарқ ҳисобидан тўланади. Агар бундай фарқ етарли бўлмаса, жамият ўзининг устав фондиди етишмаётган суммага камайтириши шарт.
 - 12.6. Жамиятга қарашли улуш у жамиятга ўтган кундан эътиборан бир йил ичида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига биноан жамиятнинг барча иштирокчилари ўртасида уларнинг жамият устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланиши ёхуд жамиятнинг барча ёки айрим иштирокчиларига сотилиши ҳамда тўлиқ тўланиши керак.

13. Жамиятнинг қайта ташкил этилиши ва тугатилиши.

- 13.1. Жамиятни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилиши мумкин.
- 13.2. Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамият бу ҳақда жамиятнинг ўзига маълум барча кредиторларини ёзма равишда хабардор қилиши лозим. Жамиятнинг қайта ташкил этилиши муносабати билан юзага келадиган кредиторларнинг ҳуқуқлари қонунчилик билан белгиланади.
- 13.3. Жамиятнинг қайта ташкил этилишида барча ҳужжатлар (бошқарув, молия-хўжалик, шахсий таркиб бўйича ва ҳоказо) белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳуқуқий ворис бўлган корхонага берилади.
- 13.4. Жамиятнинг фаолияти қуйидаги ҳолатларда тугатилади:
- 13.5. Жамиятнинг фаолиятини тугатиш тўғрисидаги Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиши қарорига кўра;
- 13.6. қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда суднинг қарорига кўра.
- 13.7. Жамиятнинг Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилиши қарорига кўра тугатилиши ҳолатида, иштирокчилар тугатувчини тайинлайди, у қонунчилик билан белгиланган тартибда фаолият юритади.
- 13.8. Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатувчига ўтади. Тугатувчи Жамиятнинг фаолияти тугатилиши тўғрисида, кредиторлар даъволарини қондириш тартиби ва муддатлари тўғрисида ахборотни Жамиятнинг жойлашган манзили бўйича расмий матбуотда тақдим этади.
- 13.9. Тугатувчи Жамият мулкнинг инвентаризациясини ўтказди, унинг кредиторлари ва дебиторларини аниқлайди, оралиқ тугатиш балансини тузади ва уни Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилишига тақдим этади.
- 13.10. Агар Жамиятда мавжуд бўлган пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, Тугатувчи Жамиятнинг мулкни оммавий савдода сотишни амалга оширади.
- 13.11. Жамиятнинг тугатилишида кредитларнинг талаблари қуйидаги тартибда

қондирилади:

- Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган талаблари, фуқароларнинг алиментларни ундириш ва муаллифлик шартномалари бўйича ҳақни тўлаш юзасидан талаблари, Жамият ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганлиги юзасидан олдида жавобгар бўлган фуқароларнинг талаблари;
 - бошқа кредиторларнинг талаблари.
- 13.12. Жамиятнинг кредиторлар даъволарини қондиришдан кейин қолган мулки унинг ушбу мулкига ашёвий ҳуқуқлари бўлган иштирокчиларига берилади ёки сотилади ва кейинчалик унинг маблағлари Иштирокчилар ўртасида уларнинг Устав фондидаги улушларига мувофиқ тақсимланади.
- 13.13. Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритилган пайдан эътиборан жамиятни тугатиш томонланган, жамият эса фаолиятини тугатган ҳисобланади.

14. Жамиятнинг ҳужжатларини сақлаш

- 14.1. Жамият қуйидаги ҳужжатларни сақлаши шарт:
- Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчалар;
 - Жамиятнинг таъсисчилари йиғилишининг жамиятни ташкил этиш ва жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорларни ўз ичига олган баённомаси;
 - Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
 - Жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;
 - Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;
 - Жамият иштирокчилари умумий йиғилишларининг баённомалари;
 - Жамиятнинг ижро этувчи органининг қарорлари;
 - аудиторлик ташкилотининг хулосалари, назорат қилувчи органларнинг ҳужжатлари ва қарорлари;
 - қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.
- 14.2. Жамият юқоридаги ҳужжатларни ўзининг ижро этувчи органи жойлашган ерда сақлайди.
- 14.3. Жамият ушбу Уставнинг 14.1 бандида назарда тутилган ҳужжатларни ўзининг ижро этувчи органи жойлашган ерда доимий сақлаши лозим, агар қонунчилик билан бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.
- 14.4. Жамият Жамиятнинг иштирокчиси учун Жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотларга, бухгалтерлик китобларига ва бошқа ҳужжатларга кириш имкониятини таъминлайди.
- 14.5. Жамият иштирокчисининг талабига кўра Жамият унга барча зарур бўлган ҳужжатларнинг нусхаларини, шунингдек Жамиятнинг фаолиятига оид бўлган ҳар қандай ахборотни тақдим этиши лозим. Жамиятнинг иштирокчисига ҳужжатлар ва ахборотнинг тақдим этилиши бепул тартибда, Жамиятнинг ҳисобига амалга оширилади.
- 14.6. Жамиятнинг иштирокчиси томонидан сўраладиган ҳужжатларнинг нусхалари, қоғоз ва (ёки) магнитли ташувчилардаги ахборот тегишли сўров олинганидан бошлаб 2 (икки) календар куни мобайнида тақдим этилиши керак.

- 14.7. Жамиятнинг иштирокчисига тақдим этиладиган барча ҳужжатларнинг нусхалари унинг Директори томонидан имзоланган ва Жамиятнинг муҳри билан тасдиқланган, бир варақдан ортиқ варақлардан иборат бўлган ҳужжатларнинг нусхалари, бундан ташқари, рақамланган ва тикилган бўлиши лозим. Жамият иштирокчисининг талабига кўра унга нотариал тартибда тасдиқланган ҳужжатларнинг нусхалари берилади.
- 14.8. Жамият томонидан Жамиятнинг иштирокчисига тақдим этиладиган ахборот ёзма равишда қоғоз ташувчисига тақдим этилган, унинг Директори томонидан имзоланган ва Жамиятнинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим. Агар ахборот тақдим этиладиган қоғоз ташувчиси бир варақдан ортиқ варақлардан иборат бўлса, бундан ташқари, у рақамланган ва тикилган бўлиши лозим.
- 14.9. Ушбу Уставнинг 14.1 бандида назарда тутилган ҳужжатларни Жамиятнинг иштирокчилари бўлмаган шахсларга берилиши фақат Жамиятнинг Иштирокчилари Умумий Йиғилишининг қарорига кўра амалга оширилади.

15. Уставга ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг киритилиши

- 15.1. Мазкур Устав Иштирокчиларнинг Умумий Йиғилишининг қарорига кўра ўзгартирилиши ва тўлдирилиши мумкин. Киритилган ўзгартиришлар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.
- 15.2. Агар мазкур Уставнинг қоидаларидан бирортаси ҳақиқий бўлмай қолса, бу ҳолат қолган қоидаларига таъсир кўрсатмайди.

16. Яқуний қоидалар

- 16.1. Жамиятнинг мазкур Устави давлат рўйхатидан ўтказилган пайтидан эътиборан учинчи шахслар учун кучга эга бўлади.
- 16.2. Жамиятнинг мазкур Уставининг сарлавҳалари ҳавола хусусиятига эга ҳамда Жамиятнинг мазкур Уставининг бирорта қоидаларининг талқин этилиши ва тушунилиши учун ишлатилиши мумкин эмас.
- 16.3. Жамиятнинг мазкур Уставидаги «амалдаги қонунчиликка» ҳаволалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини билдиради.

ИШТИРОКЧИЛАР:

1. MURARI LAL JALAN 
2. AKASH GARG 